

Улбош РЎЗИЕВА

# ТЎЁНА

Шеърлар

МАЖБУРИЙ НУСXA

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2013

84(59)7-ч/б. араб.

УУК Уз.28


КБК 84 (59зб)-3

P 99

Улбош Рузиева оддий узбек аёли, уй бекаси. Шеърят назарияси, шеър техникаси каби илмларни эгалламаган. Бироқ шеърят шайдоси. Мутолаани хуш кўради. Рузгор юмушларидан ортиб ижод қилади.

«Туёна» Улбош опанинг кунгил кечинмалари маҳсули. Унда Бекламишсойнинг полвон йигитлари, бағрикенг инсонлари ҳақидаги ажойиб шеърлари жамланган. Ушбу тўплам ўз ўқувчиларига манзур бўлади деган умиддамиз.

Ю 41398  
0



P  $\frac{4702620202-46}{376 (05) 2013}$  46-2013

© У.Рузиева, 2013 й.

© «Насаф» нашриёти, 2013 й.

ISBN 978-9943-18-142-7

## МЕНИНГ ДАДАМ

Агар сиртдан кўрсангиз,  
Дадаларнинг дадаси.  
Гурунглашиб кўрсангиз,  
Болаларнинг боласи.

Булар экан ё ажаб,  
Одамнинг ҳам соддаси.  
Ким билмайди дадамни,  
Дадаларнинг дадаси.

Тонгда туриб ҳар куни,  
Зафар билан уйнайди.  
Бирорта йўқ гам ташвиш,  
Гийбатни ҳеч билмайди.

Шундай бўлса одамлар,  
Тор дунё ҳам кенг булар.  
Дард ҳам бўлмас юракда,  
Одам соғлом зўр булар.

Менинг дадам дунёда,  
Одамнинг энг соддаси.  
Билмагани билдирар,  
Дадаларнинг дадаси.

## ҚАДРЛАШ

Отам деб отангни қилсанг зиёрат,  
Онам деб онангга кўрсатсанг ҳиммат.  
Дўсти ёр ортингдан ҳавас-ла боқар,  
Улардан кўрарсан, сен шунча ҳурмат.

Кўп кўрдим ҳаётда бунга мисоллар,  
Отага қилгани боладан қайтди.  
Яхшилик қилганга эллар эгилар,  
Шаънига олқишлаб раҳматлар айтди.

Мол-дунё, мансаб ҳам ўткинчи бари,  
Қўлингнинг киридек кетиб қолади.  
Дунёда, жон болам, шуни яхши бил,  
Яхшилик, дунёда мудом қолади.

## БОШ ОҒРИҚ....

Кўқдалалик бир одам  
Боши қаттиқ тошдан ҳам.  
Қирқ йилдир у дард билан  
Олишиб ҳоримайди.  
Ҳар куни ичар дори  
Ўзи ҳеч қаримайди.  
Шукур айтар Оллоҳга  
Яхши кўргани учун.  
Синаш учун сабрини  
Дардлар бергани учун,  
Боши оғрир ҳар куни,  
Гоҳи санчиб юраги.  
Қанди ҳам ошар гоҳи,  
Шунда ҳам ҳеч ётмайди.  
Шукур айтиб Оллоҳга  
Дардни енгаверади.

## ТАБРИК

Тугилган кунингда сенга тилагим,  
Шерзоджон, шердай булиб яшагин доим,  
Яна сен уттизта уттизга кириб,  
Эда ҳалол ошинг ошагин доим.

Ортиндан дўстларинг ҳавас-ла, боқсин,  
Меҳнатинг кўксингга орденлар тақсин,  
Оналар дуоси билгин, улуғдир,  
Мансабинг бергани ҳавойи пулдир.

Ишим деб элингни унутиб қўйма,  
Отангу онангни тилингда қўйма,  
Болалар оиладан олади таълим,  
Шерзоджон, ўглиннга ўзинг муаллим.

## ДУКОНДОР ЎГЛИМГА

Бегламиш қишлоғида,  
Уртасимас, четида  
Бир дукондор яшайди,  
Дукончамас, бозорча.  
Армайди харидор,  
Бозордан арзон анча.  
Эгаси бир бойвачча,  
Қишлоқдаги дуконда.  
Тоға, амма, холаси,  
Худди чойхона каби,  
Эрталабдан тўпланиб,  
Савдо қилишар бари.  
Бир куни борсам, қаранг,  
Йул топиб кирсам, аранг  
Бир кекса бобой деди,  
Болам, мумкинми деди.  
Насияга савдо қил,  
Меҳмон келмоқда уйга.  
Ноябр ойи тўлгунча,  
Пенсиямиз келгунча.

Кола, гуруч, чой олди,  
Новвот билан мой олди.  
Ҳисоблаб қўй болам, деб  
Сунг дуога қўл очди.  
Олтин олма, дуо ол,  
Биринг ун бўлсин, болам.  
Дея дуога қўл очди,  
Хурсанд уйига қайтди.

### ХОТИРА...

Бундан неча йил илгари,  
Бегламиш богида бир гул кўкарди.  
Гул эди гулларнинг нозик сарвари,  
Қиз бўлди қизларнинг нозик сарвари.

Гулшоджоннинг бўйи етиб тўлишди ойдаи,  
Ошиқлари кундан-кун ортиб боради.  
Тақдири қўшилиб, Боҳодирбойга,  
Келин қилиб узатдик бахтли жойга.

Фарзандлар кўтарди қучоги тўлиб,  
Кўрганда суюндик юраклар тўлиб,  
Насиб этган экан, Оллоҳга шукур айтиб,  
Турибмиз ўғлининг тўйини кўриб.

Жонибек, Жасуржон сизга бир сўзим,  
Онанигни доим ёдда тутгингиз,  
Сизларга юракдаги буюк тилагим,  
Эда мард, баҳодир полвон бўлингиз.

\*\*\*

Бегламишнинг момолари келишган,  
Давра қурса қанду асал ейишган.  
Сўхбати болаларин мардлиги ҳақда,  
Келинларни кафтларида ушлаган.

Боболари авлодига меҳрибон,  
Йигитлари бир-бирдан паҳлавон,

Ўсма қўйиб қошин терса қизлари,  
Чет эллардан совчи сўраб келишган.

Бу элнинг тупроқлари олтиндан,  
Ишбилармон чиқар ҳар бир оиладан,  
Минг қўй чиқар қарасангиз ҳовлидан,  
Меҳмон бўлинг идишлари тиллодан.

Мақтовларга арзигулик элим бор,  
Турмуш обод, халқим озода, йўқ ташвиш.  
Қайга отланмайин, ойдин йўлим бор,  
Жаннатлардан улуғ бўлган Бегламиш.

### МАРИСЖОНГА

Ўзбекистонда қанча ўғлонлар,  
Бўлди неча марталаб чемпион.  
Сен шуларнинг сафига кирдинг,  
Марисжон, дунёда бахтлидир онанг.

Тилаганим Оллоҳдан доим,  
Кўз олдимда намоён бўлди,  
Орзуларим ушалиб бугун,  
Марисжоним чемпион бўлди.

Сен олганда биринчи ўрин,  
Юракларим қувончга тўлди.  
Қараб турган мунис кўзимдан,  
Севинч ёшим селдай тўкилди.

Бу тўкилган севинч ёшларим,  
Йўллариңга сепилган сувдай,  
Яна олсанг, биринчи ўрин  
Ота-онанг тилаги шундай.

Она бола шодлигин кўрса,  
Баланд тоғдай бўлиб кетади.  
Гўё бўлса у сувсиз дарё,  
Денгизлардай тўлиб тошади.

## ТОЙ МУБОРАК

Онасидан дуолар олиб,  
Пирларини ёдига солиб,  
Марис полвон тўйга бормоқда,  
Тақдирини Оллоҳга солиб.

Мадад берсин, яратган Эгам,  
Рақиб ундан кучли бўлса ҳам,  
Борар эди дарёдай тошиб,  
У ўзига жуда ишониб.

Савлат тукиб даврага борди,  
Оғайнилар кўриб қувонди.  
У кўтарди биринчи товоқ,  
Мадад бўлди қараб турган халқ.

Девдай бўлиб рақиб турарди,  
Устунман деб мағрур юрарди.  
Марис келиб ёқа ушлади,  
Ё пирим, деб елка ташлади.

Ота айтди Оллоҳга шукур,  
Қойил қолди қараб турган эл,  
Рақибидан бўлганда голиб,  
Бутун эли кетди қўзголиб.

Марис дея чапак чаларди,  
Дуппи отиб, илиб оларди.  
Той келганда даврага кишнаб,  
Давра кетди яшиндек яшнаб.

Она айтар Оллоҳга шукур,  
Турсун Болта пирим қўлласин,  
Полвонимни эли ардоқлар,  
Олиб юргин элнинг дуосин.



## УЗОҚҚА ТУШГАН ҚИЗ НИДОСИ

Онажон, айтинг сизсиз нетаман,  
Ҳар куни келар деб сизни кутаман.  
Кўзимдан томчилар согинч ёшлари,  
Қизимни онам деб алла айтаман.

Қиз бўлиб не қилдим, она сиз учун,  
Болам деб тинмадингиз, баъзан юрт учун.  
Болалар хизматин қайтармас нечун,  
Дунёда бормикан имкон биз учун.

Бошимда кўтариб ҳажларга элтай,  
Оёгин ҳар куни бир тавоф этай.  
Кўнглини огритмай, ширин сўз айтай,  
Энди олис-олислардан дуолар қилай.

## ТУЁНА

Бобожоним, бугун сизнинг тўйингиз,  
Кўкка етди хурсандликдан бўйимиз.  
Кутлуг бўлсин тўлган олтмиш ёшингиз,  
Табриклаш учун жуда шоддик биз

Фахриддинжон фарзандимизнинг боши,  
Жаҳонгиржон оиламизнинг қуёши.  
Шерзоджон юрагимизни шер қилди,  
Чориёржон тилакларни мўл қилди.

Панжи бўлиб ишларимиз бўлди беш,  
Марисжоним кўнглимизни қилди хуш.  
Венеражон оиламизнинг файзидир,  
Эмиражон кеч очилган гунчамиз.

Келинойилар навбат кутиб турибди,  
Улар кирса, катта давра тўлади.  
Неваралар сабрсиз бўлиб чувуллашар,  
Ҳар бирининг қўлида бор шеъри.

Зебинисо шеър уқиса, бобом деб,  
Сарвиноз шеър уқир ёруғ олам деб.  
Махтумқули қулда чертиб торини,  
Уйнатади даврадаги барини.

Лочин, Давлат, Элбурслар уйинчи,  
Ўзим бўлай даврада махсус куйчи.  
Саккиз болам ўн олтита бўлибди,  
Улар билан катта давра тўлибди.

Жамшид, Голиб навбат кутиб турибди,  
Меҳмонжонлар кузатиб утирибди.  
Бу даврада йигилишиб дўстлари,  
Бўлмасин деб давра ками кўстлари.

Оиламизнинг сиз мустаҳкам қургони,  
Камтаргина қайнатамнинг ўғлони.  
Угитлари юрагимда урар жўш,  
Биргалиқда оила қурдик кўнгил тўқ.

Шу оила деб фидо қилдим жонимни,  
Аямадим меҳнатимни боримни.  
Офтобда қолдирмай ҳатто молини,  
Тарбиялаб полвон қилдим барини.

Юз минг шукур энди роҳатда жоним,  
Бахтимизга омон бўлсин, полвоним.  
Нима десам, ҳа майли деб ўткарди,  
Кўп ишларни ёлғиз ўзи биткарди.

Хизматимнинг бўлди шукур маҳсули,  
Изн олиб, полвон бўлди тўрт ўғли.  
Полвонларнинг от туясин боғладим,  
Шулар билан ўз вақтимни чоғладим.

Илҳом келса, шеър ҳам ёздим шод бўлиб,  
Ош ҳам бердим ҳамсоялар чақириб.  
Туя палов, той палов деб ейишди,  
Ҳаммалари холис дуо қилишди.

Шундай ўтди ўртамизда қирқ бир йил,  
Яна ўтсин ҳеч бўлмаса ўттиз йил.  
Ёшимиз ҳам мана ўтиб бормоқда,  
Шодон ёшлик орқамизда қолмоқда.

Буважоним олтмиш ёшга тўлибсиз,  
Қирчиллама йигитдек бўлиб турибсиз.  
Шу эмасми, менинг сизни севганим,  
Айтганигизни қайтармасдан қилганим.

Ҳали яна беш олтмишга кирасиз,  
Минг ёшда ҳам йигитдек бўлиб юрасиз.  
Дўхтиржоним китобини ўқидим,  
Ўқидиму мен унга риоя қилдим.

Инжиқлигимни шундан кейин ташладим,  
Чин хизматни қариганда бошладим.  
Бир тарвузни ўн кўтариб кираман,  
Не десангиз йўлингиздан юраман.

Фақат сиздан биттагина илтимос,  
Қариганда ичиб юрманг бўлиб маст.  
Насиб бўлса ҳажларга ҳам борингиз,  
"Ҳожи бобо" бўлиб эда юрингиз.

Буважоним тўйингизда тилагим,  
Нимагадир бўшаб кетди юрагим.  
Ё шеъримдан тўлмадими кўнгилингиз,  
Навбат кутиб зерикдими ўғил-қиз.

## ХОЛИЁР ПОЛВОН ҚОДИРОВГА

Ҳавас билан, гурур билан ёздим шеър,  
Ҳавас қилган муродига етар дер.  
Холиёржон сизга ўхшаб Жаҳонгир,  
Халқи учун хизмат қилсин бир умр.

Бир йигит бор соҳибқирон элимда,  
Шоир бўлсам, ёзардим ҳар шеъримда,  
Ҳофиза бўлсам, куйлар эдим дилимда,  
Бир йигит бор меҳри дарё элимда.

Қуёш десам кеча-кундуз сочар нур,  
Халқи учун яратилган якка у,  
Миннатдормиз дўхтир сиздан бир умр,  
Сизга айтай минг офарин, ташаккур.

Мурод дўхтир пойтахтдаги қўргони,  
Омон бўлсин Бегламишнинг ўғлони.  
Шунча бўлса, ҳар бирининг довруги,  
Ўсмоқдадир яна қанча полвони.

Мустақил Ўзбекистон эли бор,  
Президенти, мағрур халқи зўри бор.  
Алпомишдай иш кўрсатди Холиёр,  
Қилинг дуо Оллоҳ бўлсин унга ёр.

Қодир полвон авлодидир билинди,  
Бу иши билан бутун элга кўринди.  
Ўттиз одам ишли бўлиб илинди,  
Минг йил яшанг, Холиёржон хуш энди.

Шоир бўлмай мадҳингизга ёздим шеър,  
Халқи учун хизмат қилган улуғдир.  
Олқиш олар эдан сиздайин дўхтир,  
Сизга тилай Оллоҳдан узоқ умр.

## ЁШИ УЛУҒ УЛУҒДИР

Бегламиш қишлоғида,  
Ҳашамгина боғида,  
Бошланди пайгамбар тўй,  
Эрта саҳар чоғида.

Бахшилар шеър ўқиди,  
Кайвонилар хизматда.  
Ҳамма келган жамулжам,  
Нуронийлар иззатда.

Тўйга келди уч одам,  
Бири мансабдор эди,  
Бирининг давлати кўп,  
Бири эди муйсафид.

Туни ҳам эски эди,  
Кайвони буни куриб,  
Шошиб қолди ҳойна-ҳой,  
Не қиларини билмай.

Давранинг энг тўрида  
Қолган эди битта жой.  
Қайсин тўрга ўт десин,  
Билолмай турган эди.

Бир донишманд турди-да,  
Мансаб булса интилсак,  
Эришамиз, албатта,  
Бойлик ҳам қўлимизда.

Лекин ёши улуғлик,  
Барчага ҳам насиб этмас.  
Ёши улуғ улуғдир,  
Иззатлайлик барчамиз.

Шундай дея отахонни  
Давра тўрига бошлади.  
Ўзбекларнинг удуми,  
Ёши улуғ улуғдир.

## ЁЛГИЗЛИК

Болаларим йигилса,  
Кошонадир бу кулбам.  
Чолу кампир қолишса,  
Тор кўринар бу кулбам.

Бир ўзим ўтирганда,  
Уйга сигмай ҳайронман.  
Барча оилам сиққан жойга,  
Негадир мен сигмайман.

Шунинг учун ёлғизлик,  
Хуш келмаган Худога.  
Эрмак учун фарзанд берган,  
Овунсин деб бандага.

Ҳар кимни ёлғизликдан,  
Сақласин-а Оллоҳим.  
Қушган билан қўша қариш,  
Насиб этсин илоҳим.

Болаларим, қариганда,  
Уйқу келмас кўзимга.  
Сал нарсани ёмонликка,  
Оларкансан, ўзингга.

## ВЕНЕРАГА

Она бўлди менинг қизгинам,  
Ўчмас бўлди энди босган изгинам,  
Ёнбошида мурғаккина қизчаси,  
Она бўлиш қийин экан, дер ожизагинам.

Донишмандлар айтган болам бу сўзни,  
Она бўлиб, унинг қадрин билишни.  
Сен онангдан урган, дедим қизимга,  
Болага қандай меҳр беришни.

Ўглинг уйланиб кетаркан бир куни,  
Қиз бола эса палахмон тоши,  
Дунёнинг ташвиши бир дамли экан,  
Умринг утганини билмай қоласан.

Қуш боласин қанча қийин боқади,  
Бир дамда минг бир қанот қоқади.  
Учирма қилиб, боласини учирса,  
Қуш қанотининг соясида ётади.

Одамзод ҳам болам дейди чопади,  
Йигирма йил меҳр билан боқади.  
Ўглин берар бир келиннинг қўлига,  
Сўнг ўтириб неварасин боқади.

Қиз яхшидир она қадрин билади,  
Ҳеч бўлмаса ҳолин сўраб туради.  
Қиз туққанни пайгамбарлар сийлаган,  
Қиз бор уйда фаришталар ўйнаган.

Венерахон, қутлут бўлсин қизгинанг,  
Олти акага сингил эдинг, ўзгинанг.  
Олти укага опа бўлсин, қизгинанг,  
Қутлут бўлсин мурғаккина қизгинанг.

## ВАТАНИМГА

Айланайин ЎЗБЕКИСТОН отларингдан,  
Сенинг учун жонин тиккан бекларингдан,  
Амир Темур, Жалолiddин Мангуберди,  
Ватан учун қанча беклар берди жонин.

Қани энди Усмон Носир, Чулпонларинг?  
Қайтмас энди биздан олдин ўтганларинг.  
Бобур ўтди Ватандан йироқдаман дея,  
Мен шеър ёзаман бекларига куя-куя.

Мен бахт топган Ўзбекистон момосиман,  
Юз минг шукур ВАТАНпарвар онасиман.  
Бу ватанга ким бор айтинг шеър ёзмаган,  
Ватан шаънингга шеър ёзмоқда бир онахон.

Ватан десам. кўздан оқар севинч ёшим,  
Бу Ватанда улгайдим мен, мағрур бошим.  
Ватанимни тўлиб тошиб куйлай дедим,  
Ҳар даврада тинчлик куйин куйлар эдим.

## БИР КАМ ДУНЁ

Онасиз яшадим, ўйнаб кулолмай,  
Мен ҳам бошқалардай бахтли булолмай.  
Бир кам дунёси ҳеч ҳам тўлмади,  
Ҳеч бир инсон онам ўрнин босолмади.

Ўйландим, тўйимда оналар йўқдай,  
Ёзда ҳам тўй куни жуда совуқдай,  
Отам ҳам шу куни тўйимда йўқдай,  
Бир кам дунё дегани шу экан.

Машинам, давлатим бари зиёда,  
Юрсам ҳам йўлақда доим пиёда.  
Онажоним мени кутганда уйда,  
Мен бахтли эдим-да, дўстларим шунда.

Дўстларим, онанинг қадрига етинг,  
Борида шод айлаб хизматин қилинг.  
Хизматингизга фурсат топмадим, она  
Умрим утмоқда армонда мана.

Ўғлимга тўй қилдим, онам бўлмади,  
Жигарлар мен учун она бўлмади.  
Ёлгончи дунёдан кўнглим тўлмади,  
Азизлар она қадрига вақтида етинг.

Бу шеъримни осиб қўйинг эшикка,  
Тумор қилиб тақиб қўйинг бешикка,  
Жойланг кўнгилдан ҳам улуг юракка,  
Ҳофиз бўлса айлангирсин қушиққа.



## ЯНГИ КЕЛИНЧАК

Бугун ўтирибсан бахтингдан кулиб,  
Ёнингдаги ёрингдан минг бор ўргилиб.  
Эртага бошланар турмушнинг иши,  
Олдинда турибди минг битта иши.


Тонг отмай бошланар ҳаёт ташвиши,  
Саҳардан ҳовлини супур, тозала.  
Қайнона кунглини қандай топасан,  
Супурги қулингда чойга чопасан.

Товуқни киш-кишлаб, молини ҳайдаб,  
Сигирни бузоққа етказмай боғлаб,  
Тушлигу овқатга улгурмай қолиб,  
Атиру-упалар бир четда қолиб.

Ишсиздан сақласин Оллоҳ илоҳим,  
Огриқсиз касалдир ишсизлар доим.  
Иш қилган чеҳралар кулиб туради,  
Ишлилар бахтлидир ҳамма билади.

## ҚУТЛОВ

Улаш опа бугун ойдаи тўлибсиз,  
Тоғлар бошига етиб турибсиз,  
Ҳар бир инсон етсин тоғлар бошига,  
Оллоҳимдан шуни тилаб турибсиз.  
Қушалоқ тўй уйингизда қутлаймиз,  
Опа. сизни оз бўлса-да, мақтаймиз.  
Нори кетиб юки келди кўтарган,  
Кўп ишларни ёлғиз ўзи битирган.  
Аёл эмас аёлларнинг зўридир,  
Юрагида ўт-аланга боридир,  
Улаш опа, сизга қуллуқ тасанно,  
Яратган эгам унинг ҳамроҳидур.



## ЗҮР ОДАМ

Турмуш ўртоғим, Рузиқул полвонга

Бизнинг Катта қишлоқда,  
Яшайди бир паҳлавон.  
Ҳамма уни мақтайди,  
Бўлса керак зўр одам.

Бор олгита ўглони,  
Элимизнинг полвони,  
Спортдан топди камол  
Не қилса, бор имкони.

Олтмишга борган ёши,  
Қирчиллама йигитдай,  
Спортнинг фойдаси бу  
Осмондаги бургутдай.

## ОНАИЗОР ТИЛИДАН

Болаларим, эшитинглар сўзимни,  
Йулларингга тўрт қилманглар кўзимни,  
Кунда кўргим келар ўғил-қизимни,  
Ҳали излаб тополмайсиз изимни.

Мен миннат қилмайман ошу тузимни,  
Сал нарсага ёшланглар, кўзимни,  
Тирикликда айтиб кетай сўзимни,  
Ҳали излаб тополмайсиз изимни.

Пайгамбарлар онасини сийлаган,  
Она борки, ҳар дам тугилар инсон  
Катта қилгин ўғил-қизингни  
Ҳали излаб тополмайсиз изимни.

Мен бўлмасам, бу уйларга келмайсиз,  
Келсангиз ҳал, эркин ётиб турмайсиз,  
Тирикманда қадримни сиз билмайсиз,  
Ҳали излаб тополмайсиз изимни.

## ЖАҲОНГИРЖОНГА

Қишлоғимда улуғ инсон,  
Донғи кетган Қодир полвон.  
Бегламишдан чиқсин яна,  
Жаҳонгиржон деган полвон.

Тарбиялар полвон отанг,  
Сигинганим, ёлғиз эгам.  
Дуо берган Абдурахимхон,  
Булгин дея номдор полвон.

Дуолари булсин қувват,  
Оллоҳ берсин, учқур қанот.  
Бу жаҳонни учиб кезгин,  
Болажоним омон булгин.

## ЖАҲОНГИРНИНГ ТҮҲИГА

Болажоним, Жаҳонгир,  
Тилакларим сенга мўл,  
Энг аввало тилайман,  
Сенга бир аср умр.

Сўнг тилайман Оллоҳдан,  
Паноҳида сақласин.  
Фарзанд бўлиб Жаҳонгир,  
Хизматини оқласин.

Ота-онага фарзанд,  
Бир умр хизмат қилармиш.  
Қирқ йил қилган хизмати,  
Саҳар эмизганча бўлармиш.

Қуша қариб икковинг,  
Угил-қизинг кўп булсин.  
Бутун айтилган сўзлар  
Доим ёдингда турсин.

## БОЙНАЗАРБОЙГА

Бойназарбой иншооллоқ бой бўлсин,  
Топгани доим тўйга буюрсин.  
Огритмайди бир инсонинг дилини,  
Оллоқ доим очаверсин йўлини.

Хизмат билан дўст - душманни сийлайди,  
Гапдан олдин маъносини ўйлайди,  
Кеча-кундуз эл ичида тўйлайди,  
Бойназардай бойлар доим бор бўлсин.

Ҳар кишини яқин олиб ўзига,  
Могу давлат кўринмайди кўзига,  
Катта - кичик қулоқ солар сўзига,  
Бойназардай меҳрибонлар бор бўлсин.

Эр топармон бўлса, хотин билармон,  
Бойназарга жуда ҳам мос Донохон,  
Борини ошириб ёзар дастурхон,  
Бойназардай меҳмондўстлар бор бўлсин.

Эл хизматида доимо чопади,  
Йўқ нарсани йўқ жойдан ҳам топади,  
Шу сабабли обрўси ҳам ошади,  
Бойназардай оқ кўнгиллар бор бўлсин.

Катта-кичик ҳамма бирдек унга дўст,  
Хизматидан тополмайсан, каму кўст,  
Оиласи ҳам ўзидек меҳмондўст,  
Донохолдай бойвуччаллар кўп бўлсин.

Эру хотин бўлсангизлар бир киши,  
Иккаласи араванинг тирқиши,  
Тарихларда қолсин уларнинг номи,  
Ана шундай аҳил оила кўп бўлсин.

Эл олдида ёруғ бўлсин юзлари,  
Изларидан борсин ўғил-қизлари,

Ёзсам адо бўлмас асло сўзларим  
Бойназардай дўст-ёронлар бор бўлсин.

Барин ёзсам минг олтига дўсти бор,  
Ҳаммасининг бирор ками кўсти бор,  
Буйидай буй топган билан Бойназар,  
Ўзингдай дўст тополмайсан, алҳазар.

## ШЕРЗОДЖОНГА ЁЗГАН ШЕЪРЛАРИМ

Қашқадарё шаъни учун курашган,  
Унг кўксига олтин медаль ярашган,  
Рақиблари ҳавас билан қарашган,  
Бу қандайин буюк турон полвони.

Исми Шерзод Кўкдаланинг полвони,  
Амир Темур соврини чемпиони,  
Юрагида бордир уту виждони,  
Буюк эл Чироқчининг полвони.

Ун беш юртдан борган адоқсиз полвон,  
Ҳаммасининг кураги асло ерга тегмаган,  
Шу алплар ичида олтин медаль олган,  
Исми Шерзод кўкдалалик полвон.

## ЭЛМИРАНИНГ ТҮЙИ

Кунглимни ёритар, салом-алигинг,  
Кўзимни қувнатар ҳусни жамолинг,  
Илоҳим кўп бўлсин босган қадаминг,  
Элмиражон, сенга аталган шеърим.

Ниятим улутдир кенжа қизимдан,  
Бол томсин айланай, айтган сўзингдан,  
Ҳавас-ла боқаман ҳар кун изингдан,  
Буйлари буйимга буйлашган қизим.

Кўрганда бир сўз-ла кулдириб ўзинг,  
Уйимни тўлдирар жарангдор сўзинг,  
Авайлаб ўстирган гулимсан менинг,  
Ҳеч қачон сўлмасин, қизим, гул юзинг.

Фаришта мисоли ҳар қилган ишинг,  
Кўзимни қувнатар ҳар бир ҳаракатинг,  
Илоҳим бахтли бул эркатой қизим,  
Шу сенга бахт тилаб айган сўзим.

Кимдир хафа қилиб тинчинг бузганда,  
Тинимсиз Оллоҳдан сабр тиладим,  
Фахрланиб сенинг қилган ишингдан,  
Яратган эгамдан ишингга ривож сўрадим.

Шаҳло кузларингга губор қўнмасин,  
Даврани тўлдириб дўстлар ўйнасин,  
Ёмон кузлардан Оллоҳ ўзи асрасин,  
Кўп олдинг қизгинам ота-онанг дуосин.

Дуоларим олиб болам уйимдан  
Қанотларинг ёзиб учгин илоҳим,  
Қадамларинг қутлуг келсин уйингга  
Бахт-иқболни сенга берсин Худойим.

Қайнотанг қувонсин қадди буйингдан,  
Қайнонанг қувонсин қилган ишингдан,

Овсинларинг кўриб хурсанд бўлишсин,  
Уларнинг сафига қўшилганингдан.

Сайладим йигитлар сардорин сўраб,  
Қўлига топширдим, бахтингни қўшиб.  
Голибжон бошингда парвона бўлсин,  
Бахтингдан-тахтингдан онанг ўргилсин.

### НАСИҲАТ

Қайнона ҳам ўз онангдай онадир,  
Сенинг учун мендай куйиб ёнадир,  
Сен ранжитсанг, у ҳам ўчин оладир,  
Мени десанг, қадрини бил қайнонанг.

Қўлига сув қуйгин кўнгли яйрасин,  
Отанга раҳмат деб дуо айласин,  
Мени десанг қайтармагин сўзини  
Вақтида дамлагин иссиқ чойини.

Эрнинг хеши яқин бўлар болам бил,  
Итини ҳам тур демасдан ҳурмат қил,  
Тикланмайди қолса агар бир кўнги,  
Тилгинангни, жоним болам, ширин қил.

Ҳурмат қилсанг, сен ҳам ҳурмат кўрасан,  
Ранжитсанг ҳали болам пушаймон бўласан,  
Насиҳатим қулогингга қўйиб ол,  
Ҳурмат қилсанг, сен ҳам иззат кўрасан.

## КАМОЛА КЕЛИНИМГА

Камолажон ошиқ бўлдим бўйингга,  
Нур ҳамда файз кирит болам уйимга.  
Шоир бўлмай шеърлар ёздим тўйингга,  
Келин болам, бахт туйларинг муборак!

Оталари сардор деб сайлаб олдим ўзингни,  
Оналари тулпор деб танлаб олдим ўзингни.  
Ҳеч эсингдан чиқармай бутун айтган сўзимни,  
Келинларим сардори бўлгин дейман.

Нон эмас тўйига тортини ёлган,  
Тенгқурлар ичида тенгини топган.  
Қизларнинг ичида чиройли чаққон,  
Камола, ўзингсан, фақат ўзингсан.

Майин шабададай ёқар сўзларинг,  
Худойо кўп бўлсин, ўғил-қизларинг.  
Келинлар ичида энг чиройлиси,  
Камола, ўзингсан, фақат ўзингсан.

## ЧОРИЁР ЎҒЛИМГА

Кўёв эмас сизга ўғил бўлади,  
Ҳамёнлари тўла-тўла пул бўлади.  
Гулнозанинг излагани шу бўлади,  
Қутлуғ бўлсин Чориёрдай кўёвингиз.

Ким билмайди отаси-ю, онасини,  
Бориб кўринг, ўйнаб ўсган хонасини.  
Кўрган ҳавас қилар ака-тоғасини,  
Қутлуғ бўлсин, Чориёрдай кўёвингиз.

Отасидай ҳурмат қилар, ўзингизни,  
Қайтармайди бирор айтган сўзингизни.  
Энг муҳими, бахтли қилар қизингизни,  
Қутлуғ бўлсин, Чориёрдай кўёвингиз.



## ШИФОКОР ЮСУФ ЭРОНОВГА

Мансаб демай хизматга бел боғлаган,  
Хизмати ортидан ўз ҳаётини созлаган,  
Қайда булса элим, юртим деб ёнган,  
Минг йил яшанг, шифокор Юсуф Эронов.

Қўлингизда қанча беморлар соғайди,  
Илмингизда тузалишин имкони,  
Олқишлаймиз сизни тўққан онани,  
Отангизга раҳмат, элнинг ўғлони.

Элимиздан чиққан Ибн Сино сиз,  
Бир камтарин, ҳокисор шифокорсиз,  
Кимки келса, малҳам сўраб эшиқдан,  
Бемор учун малҳам ширин сўзингиз.

Камтарликдан камол топинг илоҳим,  
Мартабангиз баланд қилсин Оллоҳим.  
Мен ҳам сиздан шифо-даво топганман,  
Шаънингизга юз минг айтай шараф-шон.

## ПОЛВОНЛАР ДАВРАСИГА

Бу давранинг номини,  
Полвон давра дейдилар.  
Даврага қўшилганлар,  
Йўқдир армон дейдилар.

Йигилишар ҳар замон,  
Ун олтига паҳлавон.  
Дилдан суҳбат қуради,  
Қалбида ору иймон.

Ҳар бирининг кўнглини,  
Дилдан сўраб билади,  
Қалбларида йўқ губор,  
Роса ўйнаб кулади.

Ҳар бирининг ҳамёни,  
Ақча билан тўладир.  
Оилалари тинч-тотув,  
Бирга олиб юрадир.

Бу даврага қўшилиб,  
Кўнглим жуда чоғланди.  
Полвонлар суҳбатидан,  
Адирлар ҳам тоғ бўлди.

Гап бошласа Рузиқул,  
Шошманг дер Мирзақобил  
Давраларни титратган,  
Рустам полвондир, ахир.

Кетади гап талашиб,  
Гаплашар тўлиб-тошиб,  
Узун кун ҳам етмайди,  
Ажрашар қучоқлашиб.

## МИРЗАҚОБИЛ ПОЛВОНГА

Мирзақобил олтмиш ёшга тулибсиз,  
Тенқурлардан олдин қариб қуйибсиз.  
Ё буддими, курашларнинг маҳсули,  
Ё буддими, онасизлик таъсири.  
Ёшлиқ ўтди, қадрига ҳеч етмадик,  
Кураш тушдик, машқ қилмасдан.  
Уқ тортамиз қариликнинг белгиси,  
Болаларга, жигарларга айтмасдан.  
Биз айтмасак, жуссамиз айтади,  
Ажин тушган юзларимиз айтади,  
Хиралашган кўзларимиз айтади,  
Адашишган сўзларимиз айтади.  
Ярашмайди янги кийим кийсак ҳам,  
Айб эмас соқол мўйлов қўйсак ҳам.  
Не қиламиз қариликни яшириб,  
Бахтлимизку мункиллаб юрсак ҳам.

## МЕН ХУДОГА ЮЗ МИНГ ШУКУР АЙТАМАН

Дунёга келтирдинг омон тўрт мучам,  
Ота-онали ўстирдинг, бўлмадим ҳеч кам,  
Ҳеч қачон кўрмадим ғам-алам,  
Мен Худога юз минг шукур айтаман.

Вояга етказдинг қизлар сулуви,  
Ёр ато етдинг, йигитлар гули,  
Давралар бердинг, тенқурларим олди,  
Мен Худога юз минг шукур айтаман.

Ўғиллар устирдим, кўрганга қизлар,  
Юраги талпиниб ларзага тушди.  
Севгисин айтолмай хижолат босиб,  
Нечовлар уйимдан аразлаб кетди.

Келинлар танладим элни оралаб,  
Ойларнинг ичида ойини танлаб,  
Қизларим узатдим, йигитлар танлаб,  
Мен Худога юз минг шукур айтаман.

## МУСОФИРЛИК

Мусофирлик оғир дарддир,  
Кутаролмас телбалар ҳам.  
Дардларига шерик бўлмас,  
Жон айрилмас жўралар ҳам.

Ўз элингда гадо бўлсанг,  
Юрак дарддан холи турар.  
Ўзга элда шоҳ бўлсанг ҳам,  
Юрак бағринг доғли бўлар.

Мусофир бўлиб элда юрсанг,  
Рангу руйинг сомон бўлар.  
Ўз элида даврон сурган,  
Минг йилгача омон бўлар.

Куп кўрганман, мусофирлар,  
Ҳолин биров сўрамаган.  
Подшо бўлиб шоҳ Бобур,  
Беҳудага йиғламаган.

## НАВРЎЗ

Бекламишнинг ман ман деган беклари,  
Ҳеч қайсининг йўқдир ками кўстлари.  
Эл хизмати учун бугун чоғлаган,  
Наврўз байрамига белин боғлаган.

Бир биридан аямайди жонини,  
Ўртада безайди дастурхонини.  
Эсда қоларли қилар бу байрамини,  
Оллоҳ доим қўллайверсин барини.

Зот қўяди бир-биридан ошириб,  
Ош дамлайди қозонини тўлдириб.  
Дўстинг бўлса, шундай бўлсин азизлар,  
Юришади сирларини яшириб.

Юртбошим тинчлик деб куюнади,  
Тинчлик бўлса ҳамма уйнаб кулади.  
Ўзбекистоннинг Наврўз байрамига,  
Чет эллардан томошага келади.

Мақтовларга арзигулик элим бор,  
Юртбошимиз омон бўлсин элпарвар.  
Бегламишдай қўлаб турган элим бор,  
Байрамларинг қуллуқ бўлсин жон беклар.

## ЁЛГИЗ ҚОЛГАН АЁЛ ТИЛИДАН

Нозларимни кўтардингиз бўлиб нор,  
Гапларим бўлмади ҳеч қачон бекор.  
Дийдорингни бир кўришга бўлиб зор,  
Энди излаб тополмайман изингизни ёр.

Кунига минг марта эслаб сўзингиз,  
Ўрнингизни босмас ўғил-қизингиз.  
Менинг учун тенгсиз эдиз ўзингиз,  
Энди излаб тополмайман изингиз.

Сиз кетдингиз куну тунлар ўтмайди.  
Нетай зорим Оллоҳга ҳам етмайди.  
Қаттиқ экан, қора ер ҳам ютмайди,  
Энди излаб тополмайман изингиз.

Иложим йўқ тақдиримга кўнайин,  
Сизни эслаб тушларимда кўрайин.  
Жаннатларда хизматингиз қилайин,  
Энди излаб тополмайман изингиз.

## СПОРТ ИЗИДАН

Шу спортнинг изидан  
Юрибсиз ҳали ҳамон,  
Шукур айтади чолим  
Топдим бахтим спортдан

Қирқ йилдирки бир марта  
Мен ёмонлик кўрмадим.  
Танамга берар зўр куч,  
Оиламга ҳам тинчлик.

Шу спорт орқасидан,  
Болаларим бўлди полвон.  
От-туясин етаклаб,  
Юрибсан-ку кампиржон.

Спорт ортидан кўрдим,  
Қанча ҳурмат - эҳтиром.  
Ҳалол еб, ҳалол юрдим,  
Шукур қилгин кампиржон

Ҳали яна неча йил,  
Кучим етса ишлайман.  
Кўқдала марказидан  
Бир спорт зал бошлайман

## МУНДАРИЖА

Менинг дадам.....	3
Қадрлаш.....	4
Бош оғриқ.....	4
Табрик.....	5
Дўқондор ўғлимга.....	5
Хотира.....	6
Марисжонга.....	7
Той муборак.....	8
Узоққа тушган қиз нидоси.....	9
Тўёна.....	9
Холиёр полвон Қодировга.....	12
Ёши улуғ уруғдир.....	13
Ёлғизлик.....	14
Венерага.....	14
Ватанимга.....	15
Бир кам дунё.....	16
Янги келинчак.....	17
Қутлов.....	17
Зур одам.....	18
Онаизор тилидан.....	18
Жаҳонгиржонга.....	19
Жаҳонгирнинг тўйига.....	19
Бойназарбойга.....	20
Шерзоджонга ёзган шеърларим.....	21
Элмиранинг тўйи.....	22
Насихат.....	23
Камола келинимга.....	24
Чориёр ўғлимга.....	24
Шифокор Юсуф Эроновга.....	25
Полвонлар даврасига.....	26
Мирзақобил полвонга.....	27
Мен худога юз минг шукур айтаман.....	27
Мусофирлик.....	28
Наврўз.....	29
Ёлғиз қолган аёл тилидан.....	29
Спорт изидан.....	30

# АДАБИЙ - БАДИИЙ НАШР

Улбош РЎЗИЕВА

ТУЁНА

Шеърлар

Муҳаррир:	Ю. Зиёдов.
Техник муҳаррир:	Ч. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ:	Ю. Зиёдов.
Саҳифаловчи:	Ш. Холмуродова.

Нашриёт лицензия № АІ 139, 27.04.2009 йил.  
Теришга 26.04.2013 йилда берилди. Босишга  
21.05.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108<sub>1/32</sub>.  
Офсет қоғози. BalticaTAD гарнитураси. Офсет  
усулда чоп этилди. Шартли босма табоғи 1,68. Нашр  
босма табоғи 1,03. 54 - 2013 - шартнома. 31- буюртма.  
150 нусхада. 32 бет. Эркин нарҳда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.  
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,  
22-уй.